2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 81 (1142), 2024 йил 27 апрель, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

## ТЕМИР ИНТИЗОМ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ

**Ҳар бир инсон ишда муваффақият қозонишни, олдига қўйган мақсадларига эришишни хоҳлайди. Лекин ҳамма ҳам бунга бирдек эришавермайди. Чунки катта-катта мақсад ва режаларимиз амалга ошиши учун хоҳиш ва истакларимизнинг ўзи етарли эмас.**

Бу ҳар биримиздан билим, салоҳият, тинимсиз изланиш ва албатта, тартиб-интизомни талаб қилади. Акс ҳолда, мақсад моҳияти ўзгариб, орзу ёки шунчаки ширин хаёлга айланади.

Муваффақиятга эришган инсонлар, сизга таниш оилалар ёки компаниялар фаолиятига назар ташлайдиган бўлсангиз, бунинг сири ақл-идрок билан бир қаторда тартиб-интизомда эканини кўрасиз.

Давлатларнинг муваффақияти, катта-катта мақсадларга эришиш сири ҳам шунда. Айтайлик, Ўзбекистон 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириб, даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш мақсадини белгилади. Унга эришиш чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Ушбу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан бу борада белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Бошқача айтганда, ижро органларининг темир интизомига.

*Давоми 2-бетда*

### Хушхабар

**“Ўзбекистон АҚШнинг интеллектуал мулк бўйича қора рўйхатидан чиқарилди”.**
**Бу хушхабарни медиамаконимиздаги навбатдаги янгилик сифатида ўтказиб юбориб бўлмайди. Чунки биргина шу жумла ортида йиллар давомида қилинган ишлар самараси, иқтисодий барқарорлик сари ташланаётган дадил қадамлар ўз ифодасини топган. Унинг аҳамиятини теран англаш учун, аввало, интеллектуал мулк нима экани ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз керак.**

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

## ЎЗБЕКИСТОН “ҚОРА РЎЙХАТ”ДАН ЧИҚДИ

Мамлакат тараққиёти жуда кўп жиҳатларга боғлиқ. Шундай сабабларни санаганда, биринчилардан бўлиб малакали кадрларни эслаймиз. Ҳақиқатан, ўз соҳасининг устаси бўлганлар давлат ва жамият ривожининг асосий кучидир. Буни ортиқча изоҳлаш шарт эмас, назаримда.

Айни пайтда малакали кадрлар мамлакатнинг интеллектуал салоҳияти ҳисобланади. Интеллектуал мулк инсонларнинг ижодий-ақлий фаолияти маҳсули. Дейлик, кимдир битта кичик техникани кашф этдими, уни дуч келган киши ишлаб чиқаравермаслиги керак. Акс ҳолда, тартиб бузилади. Асл илмнинг эгаси четда қолиб, янгиликни ўғирлаб, ўзлаштириб олганлар кўпроқ фойда кўра бошлайди. Оқибат бизнес, ишлаб чиқаришда ортга чекиниш кузатилади. Сабаб оддий, ишбилармон учун кашфиёт қилиш ёки уни сотиб олишдан кўра ўғирлаш осон бўлиб қолади.

*Давоми 2-бетда*

### Миллий контент

## ҲАҚИҚАТНИ ЁЛҒОНДАН АЖРАТИШ ЙЎЛИ

## ЁХУД ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

**Медиасаводхонлик — медиаахборотни самарали бошқариш, таҳлил этиш, танқидий баҳолаш ҳамда медиаахборот муҳитида фаол ва самарали мулоқот қилиш имконини берадиган компетенция. У инсонга телевидение, радио, газета, журнал, веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар каби турли манбалардан олинган маълумотларни тўғри талқин қилиш, фильтрлаш ва фойдаланиш бўйича билим, кўникма ҳамда малакалар берувчи мажмуани тақдим этади.**



Бугунги шароитда медиасаводхонлик турли муаммоларга дуч келмоқда. Улардан бири рақамли маданият ахборот-коммуникация нормалари ўзгаришидир. Шу ўринда медиасаводхонликнинг давлат бошқарувидаги ўрни янада ошиб бораётганини айтиб ўтиш лозим. Чунки айнан медиасаводхонлик рақамли асрда жамоатчилик ва турли манфаатдор гуруҳлар билан самарали алоқалар ҳамда мулоқотни амалга оширишга ёрдам бера олади.

Бугунги рақамли экотизим медиасаводхонлик борасида мураккаб вазиятларни ҳам юзага келтирмоқда. Хусусан, сохта янгиликлар тарқалиши, маълумотларни манипуляция қилиш ва алгоритмик дизайнлардан фойдаланиш маълумотлар тўғрилигини текширишни қийинлаштирмоқда. Бундан ташқари, ёпиқ жамоалар ва фильтр пуфакчалар пайдо бўлиши самарали мулоқот ва фикрлар хилма-хиллигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, онлайн тармоқлар ва муқобил медиаплатформалар дунё бўйлаб нафратланувчи гуруҳлар пайдо бўлишига олиб келяпти. Бундан ташқари, рақамли маконларда коммуникация тезлиги кўплаб муассасаларнинг имкониятларидан анча юқори.

Замонамизнинг энг катта ижтимоий ва фуқаролик муаммолари — миграция, иқлим ўзгариши, глобал можаролар ҳам интернетда, ҳам оммавий нутқда ваҳима уйғотувчи ахборотлар сифатида оммалашди. Сиёсий мемлар АҚШда 2016 йилги сайлов пайтида alt-right (муқобил ўнг) ҳаракати бошланишига олиб келди. Reddit форуми асосий оммавий ахборот воситалари орқали халқаро майдонда хаёлий янгиликларни яратди ва тарқатди. Бундан ташқари, Президент твитлари ҳозирга қадар кундалик миллий ва глобал оммавий ахборот воситалари кун тартибини белгилашда давом этмоқда.

Шу ўринда ишончсизлик, қутбланиш ва партиявийликка йўналтирилган ахборотлар кўпайиб бориши шароитида медиасаводхонлик борасида қандай ёндашувлар ишлаб чиқилиши лозим, деган ҳақли савол туғилади.

*Давоми 3-бетда*



## “ТУРОН” КУТУБХОНАСИ ВА АКБАРБЕК ДОЛИМОВ

5

### Янгича ёндашувлар

## МИНТАҚАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАБИ

## УШБУ МАҚСАДГА ЭРИШИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

**Айни пайтда юртимиздаги замонавий ахборот технологиялари паркларида минглаб стартаплар устида ишланяпти, малакали дастурчилар тайёрланмоқда.**

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий ахборот технологиялар хабига айлантириш учун қатор вазифалар белгиланган. Бунда ахборот технологиялари парки экспорт қилувчи резидентлари сонини 200 тага ошириш, жумладан, хорижий капитал иштирокидаги компанияларни 30 тага кўпайтириш, компьютер дастурлаш ва аутсорсинг хизматлари ҳажмини 10 триллион сўмга ва уларнинг экспортини 800 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

Дунё тажрибасида илмий тадқиқотлар, замонавий ахборот технологиялари, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилади. Шундай экан, иқтисодий тараққиётга эришиш йўли фақатгина илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали бўлади.

Ахборот технологиялари парклари эса мана шундай мақсадларни ўзида мужассам этган. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири мана шундай дастурий маҳсулот ва рақамли хизматларни тақдим этиш учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорга олиб чиқиш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир.

*Давоми 3-бетда*

### ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

## 104 та ХОСИЯТГА эга ДАРАХТ

## юртимиз тупроғида қандай илдиз отяпти?



**Зайтун энг қадимги дарахтлардан бири. Археологик қазишмалар унинг 20-40 миллион йиллар олдин Ўрта ер денгизи соҳилларида ўсгани, бундан 7 минг йиллар муқаддам ҳозирги мевали тури пайдо бўлгани ва милоддан аввалги 3150-1200 йиллардан махсус экила бошлаганидан гувоҳлик беради.**
**Зайтунга доир бир-биридан мароқли кўҳна ривоятлар кўп, муқаддас китоблар, хусусан, “Авесто”да ҳам унинг мўъжизавий хосиятларига оид битиклар бор.**

Абадий яшилликка юз тутган, яъни йилнинг тўрт фаслида ҳам япроқлари сарғайиш нелигини билмайдиган бу дарахт ўртача 500 йил, баъзилари 1500 йил ва ундан кўпроқ ҳам умр кўради. Туркияда “Ота” деб аталувчи зайтун дарахти 32 асрни, Грециянинг Крит оролидаги зайтун 40 асрни қаритган бўлса, Фаластиндаги турдошининг ёши маълумотларда қайд этилишича, тахминан 5000 йил атрофида. Ҳозир ҳам унинг қариликдан тўзғиган шохларидан чиққан яшил новдалари 250 квадрат метрни эгаллайди, бўйи 13 метр. Томирлари ундан икки баробардан кўпроқ чуқур ерга илдиз отган. Боғбон Абу Алининг айтишича, ушбу зайтуннинг меваси илгари йилига ярим тоннагача мой берган, ҳозирга келиб 250 килога тушган, лекин сифати жаҳондаги ҳар қандай турдоши маҳсулидан юқори туради.

— Дунёда истеъмол қилинадиган ўсимлик ёғлари орасида инсон организми учун энг фойдалиси ва сифатлиси деб тан олингани зайтун мойидир, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Дилором Ёрматова. — Чунки у ўз кимёвий таркибига кўра, экологик тоза ва инсон ҳаёти учун зарарли моддалар сақламайди, саломатликни мустаҳкамлайдиган 104 хил элемент мавжуд. Осон ҳазм бўлиши, она сути таркибидаги моддаларга жуда ўхшашлиги билан ажралиб туради. Шу боис, қадим замонлардан буён табиблар, жумладан, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино ҳам ундан кўплаб хасталикларни даволашда фойдаланган.

*Давоми 4-бетда*



## ТАРБИЯНИНГ ЭНГ АВВАЛИ ВА АФЗАЛИ

МУТОЛААГА муҳаббат УЙҒОТИШдир

6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 27 апрель, 81-сон

www.yuz.uz   yuz.uznews   yuz_official   yuz.uz_news   yuz



## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ТЕМИР ИНТИЗОМ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБИ

**Илҳом НОРҚУЛОВ,**
**иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари**



**Бошланиши 1-бетда**

Шу маънода мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомига риоя этилиши бўйича янги тизим йўлга қўйилгани айни муддаодир. Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида бу борада аниқ вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатлар қабул қилиниши ушбу йўналишнинг қай даражада муҳимлигини кўрсатиб берди. Бинобарин, ижро интизоми бугунги кунда юртдошларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада яхшилашга доир қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларда белгиланган топшириқлар ижроси ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда энг муҳим ҳамда асосий шартлардан биридир.

Мана шундан келиб чиқиб, номи юқорида қайд этилган фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тезкор етказиш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими йўлга қўйилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида ҳам белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар аҳамиятидан келиб чиқиб, ижро интизомига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Қонунлар, Президентнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва йиғилиш баёнларида вазирлик ижрочи этиб белгиланган топшириқлар учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигида назорат режалари, айрим ҳолларда вазирликнинг уларни ўз ичига олган махсус ички буйруғи тасдиқланади.

Назорат режаларида ҳар бир топшириқ учун масъул этиб тегишли таркибий тузилмалар белгиланади, уни амалга ошириш механизмининг ҳар бир босқичи аниқ муддатлар кўрсатилган ҳолда тасдиқланиб, ижрога йўналтирилади.

Шундан сўнг топшириқлар ижроси ҳисоботи “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида, яъни сифати ҳамда ҳаққонийлиги юзасидан Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси назоратидан ўтади.

Вазирлигимизда Ташкилий ишлар ва ижро интизоми бошқармаси томонидан кейинги ўн кунлик, ойлик ва чоракликда ижро муддати келадиган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, масъул ижрочи бўлган департамент ёки бошқарма раҳбарларига электрон шаклда вазирликнинг ички ҳужжат алмашинув тизимлари орқали доимий равишда маълумот тақдим этилади. Зарурат юзага келган ҳолларда тегишли мутахассислар билан биргаликда топшириқ ва вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш чоралари кўрилади.

Вазирлигимиз тизимида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президент ва ҳукумат, шунингдек, юқори турувчи органларнинг ҳар бир топшириқлари ижросини амалга оширишда алоҳида ёндашув, тартиб ва профессионаллик билан иш кўрилади.

Жумладан, ҳисоботлар тайёрланиб, тегишли соҳалар бўйича комплекс раҳбарларига, яъни вазир ўринбосарларига ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари маълумотлар электрон шаклда тақдим этиб борилади.

Шунингдек, ижро интизоми юзасидан вазирнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафтанинг жума кунлари ҳамда вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари муҳокамалар ташкил этиш йўлга қўйилган.

Умуман олганда, ўз муддатида ижроси таъминланмаган топшириқ мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, аҳолига қулайлик яратишни, янги иш ўринларини очишга қаратилган ҳаракатнинг кечикишига сабаб бўлишини инобатга олиб, темир интизом орқали иш тутамиз.

Шу ўринда вазирлик тизимида ижро интизомининг қай даражада таъминланаётганини рақамларда таҳлил қилсак. 2023 йилда “Ijro.gov.uz” тизимида давлатимиз раҳбарининг жами 2504 та топшириғи назоратга олинган бўлса, шундан 1004 тасида вазирлигимиз асосий ижрочи сифатида белгиланган эди. Эътиборли жиҳати, барча топшириқларнинг ижроси таъминланди.

Шунингдек, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳукумат комиссияси топшириқлари бўйича жами 4154 та, шу жумладан, вазирлик бевосита асосий ижрочи этиб белгиланган 1839 та топшириқ назоратга олиниб, уларнинг ҳам ижроси тўлиқ таъминланди.

> **Топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг ижроси ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тегишли дастурлар орқали тўлиқ, тўғри ҳамда ўз вақтида тақдим қилиниши учун вазирликнинг барча даражадаги раҳбар ва ходимларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги KPI тизими орқали баҳолаб борилади.**




2024 йилнинг биринчи чорагида айни йўналишдаги ишлар изчил, қатъий тартиб-интизом асосида давом эттирилди. Хусусан, қонунларда белгиланган 1 та, давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларида белгиланган 142 та ва ҳудудларга ташрифи ҳамда Президент раҳбарлигида ўтган йиғилиш баёнларида белгиланган 31 та, “Ijro.gov.uz” тизимида вазирлигимиз асосий ижрочи этиб белгиланган 174 та топшириқ назоратга олиниб, ижро этилди.

Бундан ташқари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳукумат комиссиясининг вазирлик асосий ижрочи бўлган 331 та топшириғи (жами 849 та) ижроси ҳам тўлиқ таъминланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигида ушбу йўналишда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида соҳалар бўйича комплексларга ижро интизоми бўлимидан бир нафардан ходим ажратилган.




Ҳар бир бўлим ходими ўзига бириктирилган комплекслар билан биргаликда тасдиқланган иш режа ва графикларга асосан, ҳар бир топшириққа индивидуал ёндашиб, кунбай таҳлил ва назорат тизими орқали уни барвақт бажариш чораларини кўриш бўйича мутахассисларга ҳар томонлама кўмаклашади.

Шунингдек, топшириқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда уларнинг ижроси ҳолати тўғрисидаги маълумотлар тегишли дастурлар орқали тўлиқ, тўғри ҳамда ўз вақтида тақдим қилиниши учун вазирликнинг барча даражадаги раҳбар ва ходимларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги KPI тизими орқали баҳолаб борилади.

Белгиланган муддатда топшириқлар ижросини таъминлашда масъулиятсизлик ва камчиликларга йўл қўйган масъул тузилмаларнинг меҳнат жамоасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш орқали келгусида бундай камчиликларнинг юзага келишига имкон берадиган сабаб ҳамда шароитлар бартараф этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (www.project.gov.uz) орқали вазирликка келишиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши учун масъул ижрочи ва ижро муддати тасдиқланиб, ижрога қаратиб келиняпти.

Вазирликда топшириққа кўра ёки таркибий тузилмалари ташаббуслари билан ишлаб чиқилиши кўзда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати ва уларнинг доимий мониторинги Мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил департаменти томонидан самарали юритиб келинмоқда.

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида белгиланган муддатлардан кечикиш эҳтимоли хавфи аниқланса, масъул ижрочилар вазирлик томонидан доимий огоҳлантирилади. Шу билан бирга, www.project.gov.uz тизимига жойлаштирилган лойиҳалар, уларнинг тасдиқланишигача бўлган ҳар бир жараён вазирлик модератори томонидан доимий, тизимли равишда назорат қилинади.

Мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил департаменти муддати ўтган ёки белгиланган муддатда ишлаб чиқилиши хавфи мавжуд лойиҳаларни доимий таҳлил қилиб, вазирлик раҳбариятига кунлик ахборот бериб боради. Ўз навбатида, ҳар қандай эҳтимолни тахмин қилиш ва олдини олиш чоралари кўрилаётгани вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришиш учун ижро интизомини янада яхшилашимиз, бунинг учун эса раҳбар ва масъул ходимлар масъулиятини ошириш, дунёқарашини ривожлантириш каби муҳим мезонларга асосланган ягона тизим яратишга алоҳида эътибор қаратмоғимиз шарт ва мажбурийдир.

---

## Хушхабар

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИ

## ЎЗБЕКИСТОН “ҚОРА РЎЙХАТ”ДАН ЧИҚДИ

**Бошланиши 1-бетда**

Масалан, сиз ноёб дори ихтиро қилдингиз. Уни ишлаб чиқаришга маблағингиз йўқ. Шунда уни давлат рўйхатидан ўтказиб, муаллифлик ҳуқуқингизни мустаҳкамлайсиз. Сўнгра давлат ёки тадбиркор дорини сизнинг розилигингиз билан ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шу орқали сиз моддий манфаат кўрасиз. Натижада ўқиб-ўрганишни рағбатлантириш орқали янги ва янада яхши кашфиётларга замин яратилади. Агар янги маҳсулот халқаро даражада сотувга қўйилса, энди у мамлакатга катта фойда келтиради.

Муаллифлик ҳуқуқи мустаҳкам бўлган жамиятда ҳар қандай тадбиркор ўз бозорини топа олади. Шу вақтгача бозорларда таниқли брендлар маҳсулотининг номи хато ёзилганига гувоҳ бўлганмиз. Улар айнан муаллифлик ҳуқуқига амал қилмай ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Бундай бозорда сохта ва сифатсиз маҳсулот сабаб бренд обрўсига путур етади. Шунинг учун ишбилармонлар бирор мамлакатга катта сармоя киритадиган бўлса, аввало, ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан ҳимоя қилинган давлатларни танлайди. Муаллифлик ҳуқуқи мустаҳкамланган юртларда тараққиёт жадал тус олишининг сабаби ҳам шунда.

Айни сабаб туфайли ҳам Ўзбекистон интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимояси ҳолати бўйича АҚШ Савдо вакиллигининг (USTR) 301-махсус ҳисоботидаги “кузатувдаги давлатлар рўйхати”дан (қора рўйхат) чиқарилгани муҳим аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон 2000 йилда мазкур рўйхатга киритилган ва ўшандан буён “кузатувдаги давлатлар рўйхати”да эди. Айтиш керак, муайян давлатнинг бу рўйхатда туриши унда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида жиддий муаммолар борлигини билдиради. Бу эса ўша мамлакатга хорижий корхоналар томонидан инвестиция киритишга тўсиқ ҳисобланади. Бошқача айтганда, инвесторлар муайян давлатда соғлом рақобат қай даражада эканини шу рўйхатдаги кўрсаткичларга қараб белгилайди.



Интеллектуал мулк ҳимоясининг ана шундай муҳим жиҳатларидан келиб чиқиб, юртимизда кейинги йилларда соҳа ислоҳига алоҳида эътибор қаратилди ва натижада мазкур йўналиш туб ўзгаришга юз тутди. Жумладан, тараққиёт тушови бўлган коррупцияга қарши курашиш механизмлари жорий этилди. Қолаверса, интеллектуал мулк соҳасига тажрибали кадрлар жалб қилинди. Уларни моддий рағбатлантириш чоралари кўрилди. Шунингдек, интеллектуал мулкни давлат рўйхатидан ўтказишда талабномаларни қабул қилиш жараёни тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Бу эса шаффофликни таъминлади. Шу каби изчил ислоҳотлар бугун эътироф этилди.

Яъни USTR ҳисоботида қора рўйхатдан чиқишимизга интеллектуал мулк ҳимояси соҳасидаги узоқ муддатли муаммоларни ҳал қилишда эришилган ютуқлар сабаб бўлгани қайд этилди. Шунингдек, унда Божхона кодексига киритилган ўзгартишлар ҳам келтириб ўтилган.

Ушбу кодексдаги ўзгаришлар сабаб божхона органлари ваколатлари мустаҳкамланган эди. Натижада контрафакт товарлар олиб киришга қарши курашиш янги босқичга кўтарилди. Бундан ташқари, USTR муаллифлик ҳуқуқлари ва патентлар масаласига “юқори даражадаги сиёсий” эътибор қаратилганини таъкидлаган.

— Бу натижага эришиш осон бўлгани йўқ, — дейди Адлия вазирлиги матбуот котиби Севара Ўринбоева. — Охирги беш йилда интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартиблари соддалаштирилди. Уларга бўлган ҳуқуқларни самарали ҳимоялаш, халқаро шартномаларга аъзо бўлишга алоҳида эътибор қаратилди. Ташқи алоқаларни ривожлантириш ҳамда ЖСТнинг ТРИПС битими талабларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада сармоядорларнинг асосий мезони ҳисобланган рўйхатдаги кўрсаткичимиз яхшиланди.

2020 йилда жами 4254 та интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинган эди. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 10 мингга яқинлашган бўлса, 2022 йилда 13 мингдан ва 2023 йилга келиб эса 15 мингдан ортиқни ташкил қилди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ жамиятимизда интеллектуал мулкнинг ҳимояси йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётганини англатади.

Соҳадаги ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Халқаро ташкилотлар мутахассислари кўмагида интеллектуал мулк объектларини баҳоловчиларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бу эса интеллектуал муаллифликни жаҳон стандартларида қабул қилиш имконини берди.

> **2020 йилда жами 4254 та интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинган эди. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда 10 мингга яқинлашган бўлса, 2022 йилда 13 мингдан ва 2023 йилга келиб эса 15 мингдан ортиқни ташкил қилди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ жамиятимизда интеллектуал мулкнинг ҳимояси йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётганини англатади.**

Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва селекция ютуқларининг “электрон ярмаркаси” ташкил этилди. Бу соҳадаги очиқ ва шаффоф бозор, дегани. Ана шу бозорда барча ўз ўрнини топиши учун патент эгалари тадбиркорлар билан боғлаб берилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва “электрон майдончаси”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси қисқа муддатда эришилган ва узоқ вақтдан буён оғриқли нуқтамиз бўлган масалага ечим топилганидан далолат.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, бундай жараённи ҳар бир ривожланаётган мамлакат бошидан ўтказиши табиий. Бунга давлатларнинг мазкур соҳадаги ҳолатини баҳолайдиган АҚШда бўлган ҳаётий мисолни келтирсак. 1927 йилда туғилган ихтирочи Роберт Кернс автомобилнинг олд ойна тозалагичи учун мотор кашф этади ва уни тўхтаб ишлайдиган қилади. Унгача ҳайдовчи ойна тозалагични қўли билан тутқични тинимсиз айлантириш эвазига ишлатар эди. Бу ихтиро ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш учун катта автосаноатга мурожаат қилади. Улар эса муҳандиснинг ишончига кириб, янги технологияни ўзлаштириб олади. Шундан сўнг Роберт Кернс умрининг катта қисмини муаллифлик ҳуқуқини тиклашга сарф этади. Ниҳоят у судда ўзига ўзи адвокатлик қилиб ғолиб бўлади. Катта миқдорда жарима ундиради.

Энди ўйланг, Роберт Кернс ноҳақликка дуч келмаганида ёки суд тизими ўз вақтида адолатли қарор чиқарганида ихтирочи умрининг катта қисмини, қувватини ноҳақликка қарши курашишга сарфламаган бўларди. Мана шунинг ўзиёқ давлатлар ривожи интеллектуал мулкнинг ишончли ҳимояси билан мутаносиб равишда ўсиб борганини кўрсатади.

Ўзбекистон АҚШнинг интеллектуал мулк бўйича “қора рўйхат”идан чиқарилгани ҳақидаги хабар биз учун навбатдаги медиамаҳсулот эмас. У олдимиздаги юксак марралар сари очилган йўл аввалидаги маёқ, десак муболаға бўлмас.

**Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Миллий контент

# ҲАҚИҚАТНИ ЁЛҒОНДАН АЖРАТИШ ЙЎЛИ





## ЁХУД ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

**Мансур ЮНУС,**
**Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, доцент**



Бошланиши 1-бетда

Бир томондан, медиасаводхонлик ҳақиқатни ёлғондан ажратишга, манипуляция ва сохта янгиликларни аниқлашга ҳамда медиа ташкилотларига таъсир қилиши мумкин бўлган мафкураларни тушунишга ёрдам беради. Шунинг учун медиасаводхонликни ошириш, айниқса, давлат бошқаруви ходимларига оммавий ахборот воситаларидан узатилаётган ахборотлардан онгли истеъмолчи сифатида кўпроқ хабардор бўлишга ёрдам беради.

Иккинчи томондан, медиасаводхонлик медиа ташкилотлари фаолиятида муҳим ўрин тутиши лозим. Хусусан, ОАВнинг профессионал журналистика тамойилларига амал қилиши, тўғри ва холис ахборот тақдим этиши, фикр ва овозлар ранг-баранглигига эътибор қаратиш муҳим. Бу оммавий ахборот воситалари ва уларнинг таъсиридан келиб чиқадиган ишончсизлик ва қутбланиш муаммоларини бартараф этишга ёрдам беради. Бунга фуқароларни ОАВ маълумотларини таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатиш, уларнинг масъулиятини ошириш ва сифатли ишлашини таъминлаш орқали эришиш мумкин. Бундан ташқари, одамларга тўлиқ тасаввур ва ишончли маълумотларни тақдим этиш учун медиамуҳитда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Умуман олганда, давлат бошқарувида медиасаводхонликнинг асосий жиҳатларидан бири ахборотнинг ишончлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятидир. Бошқарув ходимлари ОАВ маълумотлари билан ишлашда фактларни фикрлардан ажратиши, сохта янгиликларни тан олиши ва танқидий фикрлашга эга бўлиши керак. Бу уларга тўғри ва онгли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради, манипуляция ҳамда хатолардан сақлайди.

Оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда ҳам медиасаводхонлик муҳим ўрин тутади. Бошқарув ходимлари турли манфаатдор гуруҳлар билан самарали мулоқот қила олиши, фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаши учун ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситаларидан тўғри фойдаланиш, медиамуҳит ўзгарувчанлигига мослашиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Айни даврда рақамли саводхонлик алоҳида аҳамиятга эга, у рақамли технологиялардан фойдаланиш, ахборотни самарали ва хавфсиз қидириш, таҳлил қилиш ва ахборот алмашиш қобилиятини ўз ичига олади. Бу бошқарув ходимларига замонавий алоқа воситалари ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, киберхавфсизлик соҳасидаги таҳдидларга қарши самарали курашишда ёрдам беради.

Медиасаводхонликнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

— таҳлил қобилияти — ахборотнинг тузилишини тушуниш, унинг асосий элементлари ва фактларни аниқлаш, текшириш, ахборот манбаларини танқидий таҳлил қилиш;

— танқидий фикрлаш — ОАВ маълумотларини танқидий баҳолаш ва шарҳлаш, тўғрилиги, ишончлилиги, бетарафлиги ва нуқтаи назарини таҳлил қилиш, ўз фикрини мазмунли ифодалаш;

— самарали мулоқот — медиаахборот муҳитида ўз фикр ва ғояларини аниқ, равшан ифодалаш, турли оммавий ахборот воситалари орқали мулоқот қилиш хусусиятларини тушуниш, суҳбат услубини турли аудиторияларга мослаштириш ва ранг-баранг коммуникация каналларидан фойдаланиш.

Медиасаводхонликни ривожлантириш замонавий жамиятда муҳим роль ўйнайди. Сабаби, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, қарорлар қабул қилишда ва одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда фаол иштирок этмоқда. Ахборотни таҳлил этиш, танқидий фикрлаш ва медиаахборот муҳитида самарали мулоқот қилиш компетенциялари ахборот жамиятида муваффақиятли фаолият юритиш ва унга мослашиш учун зарурдир.

Давлат бошқарувида медиасаводхонликни ривожлантириш давлат органлари фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу ишончли маълумотларга асосланган хабардорлик, тўғри, самарали қарорлар қабул қилиш ва жамоатчилик билан мулоқотни кучайтиришга ёрдам беради.

Медиатаҳлил — оммавий ахборот воситаларининг мазмуни ва шаклини тизимли, танқидий ўрганиш, баҳолаш жараёни. ОАВдаги маълумотларни таҳлил қилишда маълумотларнинг манбалари, мақсади, мазмуни, контексти, услуби ва тақдим этиш усули каби турли жиҳатлар кўриб чиқилади.

Медиатаҳлилнинг мақсади ОАВ маълумотлари қандай яратилиши, ўзгариши ва тасаввур ҳамда фикрларимизга таъсир қилишини чуқурроқ тушунишдир.

ОАВ маълумотларини таҳлил қилиш қатор усул ва ёндашувларни ўз ичига олади.

Биринчиси — фактларнинг танқидий таҳлили. ОАВ таҳлилининг муҳим қисми материалларда келтирилган фактларни текшириш ҳисобланади. Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилиги текширилади ҳамда уни тасдиқловчи далиллар ёки қарама-қаршиликлар мавжудлиги аниқланади.

Иккинчиси — манба ишончлилигини текшириш. ОАВ маълумотларини таҳлил қилиш манбаларнинг ишончлилигини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Яъни маълумотлар муаллифи кимлиги, у қандай мақсадларни назарда тутиши, манбалар қанчалик холис ва ҳаққоний эканини аниқлаш учун тадқиқот олиб борилади.

Учинчиси — контекст таҳлил. ОАВ таҳлилининг муҳим жиҳати ахборот тақдим этилаётган контекстни ўрганишдир. Яъни маълумотни талқин қилиш ва идрок этиш усулига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар таҳлил қилинади.

Оммавий ахборот воситаларидаги маълумотларни таҳлил қилиш давлат бошқарувидаги ходимлар танқидий фикрлайдиган ва хабардор истеъмолчилар бўлишига кўмаклашади. Бу ОАВдаги манипуляция ва бузилишларни тан олиш, ишончли, объектив маълумотларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Давлат бошқарувида ОАВ маълумотларини таҳлил қилиш давлат органлари ходимларини хабардорликка ва таҳлилий дунёқарашга эга бўлишга йўналтиради. Бу эса онгли ва самарали қарорлар қабул қилиш ҳамда жамоатчилик фикри ва эҳтиёжларини ҳисобга олишга йўл очади. Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш, қарорлар қабул қилишда муҳим ўрин тутадиган ахборот технологиялари ва глобаллашув даврида бу масала янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Фактларнинг танқидий таҳлили оммавий ахборот воситаларида тақдим этилган баёнотлар, ҳодисалар ёки маълумотларни текширишни ўз ичига олади. Бу усул фактлар тўғрилигини текшириш, маълумотни бошқа манбалар билан солиштириш ва тасдиқловчи маълумот ёки далиллар мавжудлигини аниқлашдан иборат. Бунда маълумотни адекват тушунишга таъсир қилиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар, хатоликлар ёки бошқа шубҳали жиҳатларни аниқлаш муҳимдир.

ОАВ маълумотларини таҳлил қилишда манбаларни текшириш шарт. Манбанинг қай даражада тўғрилиги келтирилаётган фактнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканини аниқлаб беради.

Контекст таҳлил ахборот тақдим этиладиган матнни тушунишга ёрдам беради. Бунда ахборотнинг шакли ва мазмунига таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар ўрганилишини назарда тутиш мумкин. Контекстни таҳлил қилиш медиа маълумотларини қандай қабул қилиш мумкинлигини, қандай яширин мақсад ва манфаатлар мавжудлигини изоҳлаш ҳамда уларни тушунишга кўмаклашади.



Яна бир муҳим жиҳат ОАВ маълумотлари контекстида танқидий фикрлаш — маълумотларни танқидий ва мазмунли баҳолаш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш қобилиятидир. Танқидий фикрлашни ривожлантиришда махсус техникалардан фойдаланиш мумкин. Биринчиси — савол бериш. У танқидий фикрлашнинг асосий техникаси. Саволлар контекст, мақсад ва тақдим этилган фактларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Иккинчиси — муқобил нуқтаи назарларни топиш. У оммавий ахборот воситаларида тақдим этилган турли қараш ва далилларни солиштирган ҳолда ўрганиш ва тушунишни ўз ичига олади. Муқобил нуқтаи назарларни излаш тақдим этилган маълумотни тўлиқроқ англашни ўргатади.

Учинчиси — аргументларни баҳолаш. Бунда маълумотларнинг ишончлилиги, долзарблиги ва асослилиги ҳақида саволлар бериш муҳимдир.

Тўртинчиси — факт ва маълумотларни текшириш. Бунда қўшимча манбалар изланади, тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғрилиги текширилади, бошқа илмий манбалар билан солиштирилади.

Бугун дунёда устувор ўринларни энг кўп қурол ишлаб чиқарадиган ёки энергия ва бошқа ресурсларни қазиб оладиган эмас, балки энг сўнгги илмий-техник ғояларга асосланган давлатлар эгалламоқда. Улар турли ахборот оқимлари, тегишли техник воситалардан фойдаланиш, коммуникация тизимлари ва тармоқларини яратиш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда бошқарув жараёнларида бошқаларга қараганда тезроқ ҳаракат қилиш бобида илгарилаб бормоқда.

Жамият ва давлатнинг ижтимоий портлашлар ва тўнтаришларсиз ривожланиши учун жамият ҳокимиятнинг бевосита тартибга солувчи таъсирларига адекват муносабатда бўлиши ва улар билан белгилаб қўйилган ривожланиш шароитлари ва қоидаларига мослашиши зарур. Шу нуқтаи назардан, давлат ва жамият ўртасида ўзаро самарали мулоқот ўрнатиш учун давлат бошқаруви кадрлари коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Самарали мулоқот компетенциялари давлат бошқаруви ходимларига ОАВ орқали мулоқот қилишда ўз фикр ва ғояларини аниқ, равон ифодалашга ёрдам беради. Натижада давлат бошқарувида жамият билан янада самарали мулоқотга эришиш имконияти вужудга келади.

Давлат ходимлари мулоқотларда мослашувчан бўлиши керак. Ҳар бир аудиториянинг ўзига хос хусусияти ва эҳтиёжлари борлигини мулоқот жараёнида ҳисобга олиш жуда муҳим. Мослашувчанлик мулоқотни турли муҳитлар, маданиятлар ва контекстларга мослаштириш имконини беради.

Умуман олганда, медиасаводхонликни ривожлантириш орқали давлат органларида мулоқот сифатини ошириш фуқаролар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш, интеллектуал қарорлар қабул қилинишини таъминлаш ҳамда аҳоли манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

# МИНТАҚАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАБИ

## Ушбу мақсадга эришишда халқаро ҳамкорликнинг ўрни



Бошланиши 1-бетда

Шу боис, замон талабидан келиб чиқиб, юртимизда телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йили таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилди. 500 дан зиёд янги ахборот технологиялари компанияси ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритилди.

Минтақавий ахборот технологиялар хабига айланишни мақсад қилган Ўзбекистон бозорига бугун хориж компанияларининг қизиқиши катта. Хусусан, АҚШнинг ушбу йўналишдаги гигантлари ҳамкорликда янги лойиҳаларни ишга тушириш, ахборот технологиялари резиденти сифатида фаолият юритишни режа қилмоқда.

Статистикага кўра, дунё ахборот технологиялари секторининг 33 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Ахборот технологияларига ихтисослашган компанияларнинг жами қиймати 7 триллион доллар ва бу G 20 га аъзо 16 давлатнинг ялпи ички маҳсулотидан кўп демакдир. Ана шундай катта салоҳиятга эга бозор, ундаги гигант компаниялар бугун минтақавий хаб бўлишга интилаётган Ўзбекистонга қизиқмоқда.

Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан стратегияда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Вашингтон шаҳрида ўндан зиёд ана шундай муваффақиятли бизнес эгалари билан ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Музокаралар натижасида 12 та компания ахборот технологиялари парки резиденти сифатида иш бошлайдиган бўлди. Шу орқали уч йил давомида иш ўринлари сони қарийб уч мингга, экспорт ҳажми эса 55,6 миллион долларга етказилади.

Рақамли келажак эртанги касблар учун рақамли кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бугун ахборот технологиялари инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш, ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Бунда асосий эътибор соҳа ривожига қўшимча шароитлар яратилишига қаратилмоқда.

Жумладан, ахборот технологиялари компаниялари ҳудудлардаги бўш турган биноларга бир йил муддатга бепул жойлаштирилади, иқтидорли дастурчиларга бир йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техника воситалари берилади ҳамда 50 дан ортиқ шу соҳа мутахассисини ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи харажатининг 15 фоизгача қисми қоплаб берилади. Шу билан бирга, экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб қилиш, халқаро конференцияларда қатнашиш харажатларининг 50 фоизи компенсация қилинади.

Умуман, ҳисоб-китобларга кўра, шундай янги имкониятлар ҳисобига 2024 йилда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш мумкин.



**Лутфулла СУВОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бунга, биринчи навбатда, ахборот технологиялари соҳасига ёшларни қизиқтириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш, ахборот технологиялари паркини халқаро миқёсга олиб чиқиш ва хорижий ваколатхоналари сонини ошириш орқали эришиш мумкин. Ахборот технологиялари экспортини диверсификация қилиш, яъни фақатгина АҚШ эмас, балки Яқин Шарқ, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатларини қамраб олиш орқали юқорида қайд этилган кўрсаткичларга эришиш осонроқ кечади.

АКТ соҳасини янада ривожлантириш ва глобал талабларга жавоб берадиган замонавий ахборот технологиялари инфратузилмасини яратиш учун хусусий капитални кенг жалб қилиш ҳисобига рақамли инфратузилмани молиялаштиришни ошириш зарур бўлади. Бундан ташқари, соҳада таълим ва кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, инновациялар ва тадбиркорлик учун қулай муҳит яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон АКТни ривожлантириш ва рақамлаштириш, айниқса, электрон давлат хизматлари кўрсатишда юқори натижаларга эришди. Шу билан бирга, Жанубий Корея, Россия, Эстония, Хитой билан давом этаётган ҳамкорлик билан бир қаторда Германия, Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Япония каби технологик жиҳатдан ривожланган давлатларни мамлакат мазкур секторига жалб этиш, халқаро ҳамкорлик географиясини диверсификация қилиш ҳам муҳим.

— Ушбу соҳадаги хизматлар экспортини 5 миллиард долларга етказиш, рақамли технологиялар соҳасида 300 мингдан ортиқ юқори маошли иш ўрни очиш каби стратегик мақсадларимиз истиқболли ҳамкорларни юртимизга чорлади, — дейди Рақамли технологиялар вазирлиги бош мутахассиси Элёр Мақсудов. — “Zero Risk” дастури ва Тошкентда ташкил этилаётган Рақамли технологиялар маркази хорижликларни қизиқтириб қўйди. Халқаро тараққиёт уюшмасининг 50 миллион долларлик рақамли инклюзив лойиҳасини жадаллаштириш кўламини кенгайтириш борасида ҳам келишувларга эришилди.

Шунингдек, кўплаб учрашув ва музокаралар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, АҚШнинг йирик ахборот технологиялари компанияларидан бири — “DELL Technjlgies” раҳбарияти билан мулоқотда сунъий интеллектга асосланган замонавий дастурлаш тизимлари талабларига жавоб берадиган ва асосийси, Ўзбекистон ёшлари учун АҚШ бозорига масофавий хизматлар кўрсатувчи юқори даромадли иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу компаниянинг юртимизда расмий офисини очиш масаласида келишувга эришилиб, томонлар мажбурият хатини ҳам имзолади.

Ахборот технологиялари таълимига ихтисослашган “Epam systems” учун Ўзбекистон бозори янгилик эмас. 2019 йилдан буён ахборот технологиялари паркининг энг фаол резидентларидан. Соҳага ихтисослашган биринчи университет ҳам шу компания билан ҳамкорликда ишга туширилди. Компания раҳбарияти келгуси йилда 65 минг мутахассис тайёрлашда ўз иштирокини фаоллаштиришга тайёрлигини билдирди.

— Электрон ҳукумат лойиҳалари учун маҳсулот ва хизматлар экспорти бизда қизиқиш уйғотди, — дейди “Epam systems” компанияси вице-президенти Анна Дэнежжер. — Биз Ўзбекистонда “Epam systems” маркази очилаётганидан жуда хурсандмиз. Бугун Ўзбекистонда соҳада таълим олувчи ёки шу соҳага қизиқувчилар сони ортаётганига гувоҳ бўляпмиз. Энг муҳими, салоҳият юқори. Биз эса ҳамкор сифатида фақатгина натижа кўришни хоҳлаймиз. Талабаларда озгина истеъдод кўрдикми, уни тўғри йўналтиришга ҳаракат қиламиз. Негаки уларнинг ҳар бири номаълум хазина сингари. Асосийси, бу жараёнда давлатнинг кўмаги бор. Қолаверса, бизга юртингиз рақамлаштириш, умуман, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилаётгани жуда ёқди. Биз бу жиҳатларни қадрлаймиз.

Жорий йил 18-20 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган форум ҳам халқаро компанияларга Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари ва аутсорсинг соҳасидаги салоҳияти, шунингдек, мамлакатга сармоя киритиш учун ҳукумат томонидан яратилган имконият ва чора-тадбирларни кенг намойиш этишга хизмат қилди. Йиғилишда икки юзга яқин хорижий эксперт ҳамда маҳаллий соҳа вакиллари иштирок этди.

Умуман олганда, жорий йилда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини 20 триллион сўм, экспортини 800 миллион долларга етказиш, тармоқларда 130 та ахборот тизимини жорий қилиш ва 750 та давлат хизматини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси белгиланган.

**Бир сўз билан айтганда, озиқ-овқат ва дори-дармон, қимматбаҳо косметик маҳсулотлар тайёрлашда кенг қўлланиладиган зайтун мевасига бугун эҳтиёж ниҳоятда катта.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 27 апрель, 81-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Она замин неъматлари



# 104 та ХОСИЯТГА эга ДАРАХТ юртимиз тупроғида қандай илдиз отяпти?



**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**шарҳловчи**

**Бошланиши 1-бетда**

Зайтун ёғи таом таркибига қўшилса, хавфли ўсмалар ва кўкрак саратони сезиларли даражада чекинади. У ичак, ошқозон ости бези ва жигар фаолиятини яхшилайди, ўт халтасида тош пайдо бўлишининг олдини олади. Кальцийнинг яхши сўрилишини таъминлаб, суяк ўсишини кучайтиради, қон босимини яхшилайди.

Меваси зарарли нурларга қарши профилактик восита сифатида астронавтлар овқати таркибига киритилган. Фойдали хусусиятларга бойлиги учун ҳам ундан тайёрланган маҳсулотлар харидоргир.

Йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган баргларида антисептик ва микробга қарши моддалар мавжуд. Улардан бири бўлган олеуропеиндан тери саратони касаллигига қарши курашишда қўлланилади.

Иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, унинг меваси таркибидаги қимматбаҳо мой 44-72 фоизни ташкил этади. Истеъмол маҳсулоти сифатида таъминнинг хушбўйлиги, дориворлиги жиҳатдан жаҳонда энг устун саналади. У шифобахш камфора ва витаминли эритмалар, турли хил хушбўй ҳидли атирупалар тайёрлашда, консерва ёки ёғи озиқ-овқат саноатида кенг миқёсда ишлатилади. Мутахассислар фикрича, Ўрта ер денгизи мамлакатлари аҳолиси, асосан, зайтун мойи истеъмол қилгани сабабли соғлом ва узоқ умр кўради.

Жаҳонда Olea деб аталувчи мазкур дарахт зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 600 га яқин тури мавжуд. Улар орасида Европа зайтунининг қадри жуда баланд. У, асосан, Ўрта ер денгизи соҳилидаги мамлакатларда парваришланади.

Зайтун мевали дарахтлар ичида дунёда энг катта ҳудудни эгаллаган ва унинг умумий майдони 11 миллион гектарга етиб қолди. Бу олма, банан ва манго дарахтлари экилган майдонлардан икки марта кенг, фақат кокос ва мойли пальмалар эгаллаган ҳудудларни биргаликда олганда зайтунзорлардан кенгроқ ҳисобланади. Бу борада Испания (2 миллион гектар), Тунис (1,6 миллион гектар), Италия (1,5 миллион гектар), Марокаш (1,1 миллион гектар), Греция (887 минг гектар), Туркия (850 минг гектар) каби мамлакатлар пешқадамлик қилади. Шунингдек, Озарбайжон, Грузия, Туркманистон, Россиянинг Краснодар ўлкасида ҳам зайтун етиштирилади.

Кейинги ўн йилликда зайтунзорларнинг уч марта кенгайгани унинг маҳсулотларига талаб ошгани билан изоҳланади. Айни пайтда ундан жаҳон бўйича 19,3 миллион тонна мой ишлаб чиқарилаётган бўлса, асосий қисми Испания, Греция, Италия, Туркия, Марокаш каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.





Бир сўз билан айтганда, озиқ-овқат ва дори-дармон, қимматбаҳо косметик маҳсулотлар тайёрлашда кенг қўлланиладиган зайтун мевасига бугун эҳтиёж ниҳоятда катта. 1 гектар зайтун плантациясидан 15-17 минг доллар, уни қайта ишлаш орқали эса 45-50 минг доллар миқдорида даромад олиш мумкинлиги соҳанинг иқтисодиёт тармоғидаги нуфузини янада оширади. Шу боис, айнан зайтун мойидан катта даромад олгани учун фермерлар уни "суюқ олтин", деб эъзозлайди.

## ИЛМИЙ АСОС ВА АМАЛИЙ ИМКОНИЯТЛАР

**Профессор Дилором Ёрматова узоқ йиллардан буён зайтун дарахтини мамлакатимиз иқлим шароитига мослаштириш бўйича илмий изланишлар олиб боради. Унинг бу йўналишдаги ишлари зайтун етиштирувчи қайси мамлакатга йўли тушган бўлса, ўша ердан турли қимматбаҳо совғалар эмас, балки дунё боғдорчилигида "суюқ олтин" деб аталувчи дарахтнинг қаламча ва кўчатларини келтиришдан бошланган.**

Шу тариқа Ўзбекистонда зайтун дарахтини парваришлаш тарихини яратишга 2002 йил февралда Туркиядан 4 туп зайтун дарахти кўчати олиб келишдан киришилди. Улар субтропик минтақа бўлган Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида экилди.

Табиийки, шу вақтгача бирор олим ёки боғбон томонидан зайтун етиштириш борасида тажриба ўтказилмаган, амалий қўлланма ҳам яратилмаган. Биологиясини ўрганган бўлса-да, олиманинг ўзи ҳам бу ўсимлик ҳосил берадими-йўқми, деган саволга аниқ жавоб беролмас эди. Олиб борилаётган тажрибалар тўрт йил давомида сир сақланди, чунки хулоса номаълум эди. 2006 йилда "Жовли" фермер хўжалигида биринчи марта зайтун дарахтлари гуллаб, ҳосил тугди ва уларнинг меваси сентябрь охири, октябрь бошларида пишиб етилди. Ажабланарли томони, мевасининг кимёвий таркиби тадқиқ этилганда, ундаги ўта фойдали саналган сквален моддаси Италия ва Грециянинг зайтун мойларига қараганда ҳам юқори экани маълум бўлди.

Олима янги мевали дарахтни ўзимизнинг иқлим ва тупроқ шароитимизга мослаштириш бўйича изланишларни изчил давом эттирди. Уларнинг самарасини Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Андижондаги боғида юртимиз иқлимига мослаштирилган 14 тури парваришланаётганида кўриш мумкин. Фарғона вилоятидаги доривор ўтлар билан шуғулланадиган "Меҳригиё" фирмасида ҳам зайтун ўстирилмоқда ва унинг баргидан турли доривор моддалар тайёрланмоқда. Шунингдек, аҳоли хонадонларида ҳам анча-мунча зайтун кўчатлари мавжуд.

Зайтуншунос опанинг узоқ йиллик машаққатли изланиш ва амалий саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади: "Изумруд", "Қоракўз" каби зайтун навлари давлат реестрига киритилди.

Демак, мамлакатимизда зайтунчилик илмига асос солинди ва қаламчалар орқали кўпайишига имконият яратилди. Бунда ҳудудларнинг иқлим шароити инобатга олинган ҳолда, айниқса, совуққа чидамли навларининг физиологик жиҳатлари ўрганилди ва зарур илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Юртимизда зайтун етиштиришга эътибор ва қизиқиш ортиб бормоқда. Жумладан, Олтинсой тумани Биби Зайнаб қишлоғида яшовчи Хушбоқ Раҳмоновнинг чорак гектар майдонга экканзайтунлари 2018 йилда ҳосилга кирди. Орадан кўп ўтмай, ҳар бир дарахтдан 20-25 килодан мева олинди.



— Зайтунни 25 сотих майдонга экканман, дейди фермер. — Кўпайтириш осон экан. Энди қаламчалар тайёрлаб, сотяпман. Аввалига одамлар иккиланди: пул сарфлаб сотиб олса-ю, ҳосилга киритолмаса, меҳнат бесамар кетади. Аммо кейинчалик ҳосилини кўргач, уларда ҳам ишонч пайдо бўлди.

Шу жиҳатдан қараганда, юртимиз иқлимига мос хурмо дарахтини етиштириш ҳам жанубий вилоятда ана шундай кичик тажрибалардан бошлангани ёдга тушади. Дастлабки вақтлар хурмо дарахтлари совуқ урмаслиги учун ўраб қўйилган ва аста-секин иқлимимизга мослаштирилган. Эндиликда хурмо юртимизнинг барча ҳудудида етиштирилмоқда, бозор расталари ва дастурхонларимиз бу ажойиб неъмат билан тўкин. Хорижий элларда ҳам талабгир.

Бундан уч йил олдин Президентимизнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириққа асосан, 500 гектар майдонда зайтун плантациялари барпо этилиши белгиланган эди. Режага биноан, Олтинсой, Музработ, Узун, Бандихон, Жарқўрғон, Сариосиё, Термиз туманларида зайтунзорлар яратиш ишлари олиб боріляпти.

Хусусан, 2022 йил баҳорда Олтинсой туманида зайтун етиштиришга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган 50 гектар майдонга Туркиядан келтирилган "Орбикина" навли 66 минг туп зайтун кўчатлари экилди.

— Ниҳолларнинг анча қисми ўша йилиёқ гуллаб, ҳосилга кирди, — дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари Исроил Бозоров. — Чунки биологик хусусиятига кўра, уни бошқа мевали дарахтларга мос келмайдиган ерларда ҳам етиштирса бўлади. Таркибида кальцийли тузлар кўп, унумдорлиги ўртача бўлган майдонларда ҳам яхши ўсади. Унинг ҳосили мўл, мевасида мой миқдорининг юқори, айни пайтда сифатли бўлиши ёз фаслининг серқуёшлигига боғлиқ. Бу жиҳатдан бизнинг имкониятларимиз катта.

Лекин 2023 йил январь ойи бошида рўй берган ўта қаттиқ совуқ яйраб илдиз отаётган ниҳолларни ҳам уриб кетди. Аммо ўсимликнинг яхши хусусияти шунда эканки, бундай ҳолатда унинг тупроқ остида қолган, ухлаб ётган куртаклари уйғониб, униб чиқади. Шунинг учун ҳамма кўчат тупларини ўн сантиметрдан қолдириб кесиб чиқдик. Қарангки, уларнинг қарийб ярми май ойида кўкариб, барг чиқарди. Бу йил қишда қор анча кўп ёққанига қарамай, зайтунларни совуқ урмади. Насиб этса, кузга бориб унинг ҳосилидан юқори сифатли мой олишни режалаштириб турибмиз.

Тез орада ўта қаттиқ совуққа дош бермаган кўчатлар ўрнини ҳам тўлдирамиз. Бу борада Самарқанд вилоятидаги "Боғбон" агрокомплекси билан шартнома тузганмиз. Қолаверса, бу мажмуа билан ҳамкорлигимиз икки йил олдин бошланган. Уларга анча-мунча зайтун қаламчаларини етказиб берганмиз.

— Селекция натижасида нисбатан совуқроқ иқлимга мос навлар ҳам яратиляпти, — дейди Жомбой туманидаги "Боғбон" агрокомплекси лабораторияси раҳбари Илёс Ҳайдаров. — Жумладан, зайтуннинг испаниялик селекционерлар яратган "Орбикина" нави 22 даража совуққача чидамли бўлиб, асосан, ёғ олиш учун ўстирилади.

24 гектарлик агрокомплексда лаборатория синовларидан ўтган турли кўчат ва қаламчалардан иқлимимизга мос келадиганлари, жумладан, зайтун нави ҳам етиштириляпти. Ҳозирга келиб, "Зайтун плантацияларини кўпайтириш лойиҳаси" асосида 100 минг тупдан ортиқ кўчат тайёрланди.

Айни кунларда Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Бандихон, Қумқўрғон туманларида ҳам янги зайтун боғлари яратишга киришилган. Мутахассисларнинг фикрича, гектарига 800 туп кўчат экилади. Рисоладагидек парваришланса, улар учинчи йилдан бошлаб 1 тонна ҳосил беради. Ундан эса 300 литр ёғ олиш мумкин. Ҳосилдорлик йил ўтган сайин ортиб боради.

Маълумот учун айтиш жоиз, Президентимиз 2021 йил 2 августда имзолаган "Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун соҳа ривожидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Мевани ўзимизда етиштириш, импорт ўрнини қоплаб, экспортга ҳам йўналтиришга йўл очилди. Ўзбекистон Халқаро зайтун кенгашининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Мазкур ташкилот 1959 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда зайтун мойи етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчиларининг 80 фоизини, экспорт қилувчиларининг 98 фоизини бирлаштиради.

## "СУЮҚ ОЛТИН" НИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНИКАСИ

**— Зайтун дарахти аввалдан экиб келинмагани учун юртимиз боғбон ва фермерлари уни парваришлаш агротехникаси билан таниш эмас эди, — дейди Дилором Ёрматова. — Андижон ва Сурхондарёда синов тариқасида экканимизда амин бўлдикки, кўпчиликнинг унга қизиқиши ортиб бормоқда. Бинобарин, бугунги қишлоқ хўжалиги соҳаси янги ўсимлик навларини ўзлаштиришни талаб қиляпти. Миришкорлар билимли бўлиши, нотаниш ўсимликларни маҳаллий иқлимга мослаштиришда тажриба ўтказишдан чўчимаслиги керак.**

Аслида, зайтун ҳам анор, хурмо дарахтлари каби ортиқча парвариш талаб қилмайди. Қурғоқчиликка чидамли, 13-18 даража совуққа ҳам бардош беради. Ҳар тупидан 20-40 килогача ҳосил олинади. Зайтуннинг пишган меваси таркибида 25-80 фоиз буғланмайдиган мой бўлади. Мева пўстлоғи ва данагини қиздириш натижасида олинувчи иккинчи босқичли мойи техник аҳамиятга эга ва совун тайёрлашда қўлланилади. Кунжараси чорва учун емиш вазифасини ўтайди. Ёғочидан қимматбаҳо буюмлар тайёрланса, доривор ва йирик гулли зайтундан эфир мойи олинади.

Ниҳоллар кузда — сентябрь ва октябрь ойларида, баҳорда мартнинг бошидан майнинг охиригача экилади. Демак, ҳозир кўчат экишнинг айни вақти.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талаби маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 55 фоизга таъминланмоқда, ички бозор эҳтиёжининг 45 фоизи импорт ҳисобига қопланмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолиси орасида кунгабоқар ва пахта ёғи машҳур ҳисобланади. Дастлабки кезларда зайтун ўсимлигининг яхши ривожланиши учун имкон яратади.



> **Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг ўсимлик мойига бўлган талаби маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан 55 ФОИЗГА ТАЪМИНЛАНМОҚДА, ИЧКИ БОЗОР ЭҲТИЁЖИНИНГ 45 ФОИЗИ ИМПОРТ ҲИСОБИГА ҚОПЛАНМОҚДА.**

Зайтуннинг яна бир хусусияти, у қишда баргларини тўкмайди. Бир дона барги 2-3 йилгача яшайди. Дарахт ёруғликка талабчан бўлиб, қуёшни яхши кўради ва сувсизликка чидамли. Шу боис, жанубий ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, Сурхондарёда иссиқ об-ҳаво муддати йилига 227-266 кунни ташкил этади.

Қуёш нури етарли бўлган ҳудудларда унинг меваси тез пишиб етилади. Қиялиги 400 метргача бўлган майдонлар зайтунзор барпо қилиш учун энг қулай ҳисобланади, бундан ташқари, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги яхши бўлиши керак.

Зайтун кўчатларини бир оз чуқурроқ экиш зарур. Барча субтропик экинларга ўхшаб зайтун ҳам пастки новдаларидан яна янги новдалар ҳосил қилади. Зайтуннинг намликка талаби дастлабки 4-6 йилда юқори бўлади, шунинг учун кўчатларни тез-тез суғориб туриш лозим.

Минерал ўғитлар берилса, йиллик ўсиш меъёри бир-бир ярим метргача боради. Азотли ўғитларни баҳорда культивация ёрдамида, фосфорли ва калийли ўғитлар эса кузги ҳайдов билан берилади. Бундан ташқари, органик ўғитлар бериш мойининг нархи кунгабоқар ва пахта ёғи билан солиштирганда анча юқори ва уни ишлаб чиқариш қимматга тушиши табиий. Яқин келажакда зайтунзорлар кенгайиб, уларнинг маҳсулоти оғирроқ тош босгани сайин эса мувозанат ўзгаради, аҳоли талабини қондиришда зайтун мойининг ҳиссаси ҳам орта боради. Юқорида қайд этилганидек, уни озиқ-овқат, фармацевтика саноати ва тиббиёт, диетология, косметологияда ҳам кенг қўллаш мумкин.

Бугунги кунда 1 литр зайтун мойининг дўконлардаги ўртача нархи 150 минг сўм. Испаниядан келтирилган мойларнинг нархи эса бундан ҳам юқори. Зайтун ўзимизда етиштирилиши нархнинг ҳамёнбоп бўлишига олиб келади. Ўз-ўзидан маълумки, маҳсулот қиммат бўлмаса, уни кундалик рационига киритадиганлар ҳам кўпайиб бораверади. Бу эса аҳоли саломатлиги учун муҳим.

Тўғри, зайтун етиштиришда бой тажрибага эга етакчи мамлакатлар кўп. Аммо серқуёш заминимизда етиштирилган мазкур маҳсулот озуқа моддаларига бойлиги учун ҳам жаҳон бозорида унга талаб юқори бўлишига ишонч уйғотади.

**Жадидлар руҳи**

# “ТУРОН” КУТУБХОНАСИ ВА АКБАРБЕК ДОЛИМОВ

**Улуғбек ДОЛИМОВ,**
*жадидшунос*



**1946 йил қишининг аёзли кечаси. Марзия бувим: “Юлдузлар, жигарпорам Акбарга салом айтинглар, мен ундан розиман!” дея Аллоҳга илтижо қилиб, ҳаётдан кўз юмгани ҳамон хаёлимда. Шундан кейин яна қанча ўн йилликлар ўтди, аммо ундан дом-дарак бўлмади. Хўш, Акбарбек ким эди? Нима сабабдан шўро ҳукумати унинг фожиали қисматини халқдан, оиласидан, илм аҳлидан яширди? Энди 32 ёшни қоралаган, аммо ўз соҳасида икки катта мукаммал китоб ёзиб улгурган ва нашр эттирган биринчи ўзбек библиографи, манбашуноси Акбарбек Долимов ким эканини ҳозир кўплар билмаслиги табиий. Зеро, оқадам (биз, жиянлар Акбарбек амакимизни “оқада” дер эдик) ҳақида 2002 йили мақола ёзаётиб, мен ҳам деярли ҳеч нарса билмаслигимга иқрор бўлдим.**

Бу даврга келиб, унинг ҳамма ака-укалари, опа-сингиллари, кўплаб мактабдош дўстлари вафот этиб кетган эди. Ахир Акбарбек амакимнинг вафотига ҳам 80 йилдан ошди. Отам, онам, амакиларим ва аммаларим ҳаёт вақтида уларнинг жигарбанди Акбарбек ҳақида бирор нарсани суриштириб билиб олмабман. Мана, у ҳақда ёзяпман-у, бир кичик маълумотга зорман. Ҳамма вақт одамнинг кўзи нисбатан кеч очилади, шекилли.

Шу муаммо билан Тўрабек акамга мурожаат қилган эдим, бошлаган ишимни маъқуллаб, баъзи маълумотларни берди: “Оқадам қамоққа олинган вақтда мен беш ёшда эдим, ҳозир уларни тасаввур ҳам қилолмайман, лекин адам, ойим улар ҳақида гаплашиб қоларди. Адамнинг гапларига қараганда, Акбарбек амаким ўрта бўйли, анча кўркам, ниҳоятда ҳаракатчан, ака-укаларига, сингилларига нисбатан қаттиққўл, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан одам бўлган. Адабиёт ва санъатни жон-дилидан севган, танбурни яхши чалган, расм чизишга катта ихлос қўйган. Ака-укаларидан фарқли равишда болалигидаёқ китобга алоҳида меҳр қўйган, ўзи учун шинам кутубхона ташкил қилган, вақт ўтиши билан уни бойитиб борган”.

Акбарбек 1909 йили Тошкентнинг Сағбон маҳалласида, Долимбек Муҳаммадаминбек ўғли ва Марзия Қозоқбой қизи оиласида олтинчи фарзанд бўлиб дунёга келади. Дастлаб шу маҳаллада амакилари Комилбек ва Каримбек Норбековлар раҳнамолигида очилган ва Абдулла Авлоний шогирди, жадид муаллим Ғулом Қодир домла ўқитувчилик қилган усули жадид мактабида, кейин эса ҳамма болалар қатори шўро мактабида ўқийди. Унинг ўсмирлик ва йигитлик йиллари Сағбон, Чорсу, Шайхованд Тоҳур, Ҳадра, Чиғатой, Оқлон, Хастимом мавзе ва маҳаллалари учун ўрталиқ бўлган, жадидлар ташкил қилган маърифат маскани — Эски Жўвадаги “Турон” кутубхонаси ва катта қироатхонасида ўтади. Зеро, бу кутубхона шунчалар бой эдики, унда Қозон, Қрим, Тифлис, Оренбург, ҳатто Истанбулда нашр этилган газета ва журналлар, ноёб китобларгача бор эди.

Акбарбек айни шу ерда миллатни истиқлол, мустақиллик сари етаклаган Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, тоғалари Мирмулла, Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар ҳамда уларнинг куёви, атоқли шоир Элбек, шунингдек, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий, Ғози Юнус каби жадид мутафаккирлари таъсирида бўлди, уларнинг асарлари билан илк бор шу масканда танишди.

У Абдурауф Фитратнинг ёшларни ҳайратга солган она Ватан ҳақидаги “Сайҳа” (“Наъра”) шеърлар тўпламини ҳам шу “Турон” кутубхонасидан топиб ўқиган эди. Айтиш жоизки, жадид мутафаккирлари ташкил қилган “Турон” кутубхонаси ёшларнинг энг севимли маскани бўлган.

Мазкур кутубхона 1913 йилда “Турон” хайрия жамияти ҳузурида Мунавварқори ва Авлоний раҳбарлигида очилган. Кутубхонага шўро ҳукуматининг дастлабки йилларида педагог олим Шокиржон Раҳимий раҳбарлик қилган. Ёш Акбарнинг келгусида библиограф-манбашунос бўлиб етишувига ҳам худди шу “Турон” кутубхонаси ва қироатхонаси сабаб бўлгандир, эҳтимол.

Шу ўринда икки-уч оғиз XX бошларидаги Эски Жўва ҳақида тўхталиб ўтсам. Эски Жўва Тошкентнинг энг кўҳна мавзеларидан бўлиб, шаҳарнинг қоқ маркази саналган. Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом каби улуғ ёзувчилар ҳам ўз асарларида бу мавзени кўп тилга олган. Зеро, миллатпарвар жадид мутафаккирларининг фаолияти ҳам, асосан, Эски Жўвада кечган бўлиб, ундаги ҳар бир кўча, ҳар бир бино, муассаса жадидлар фаолиятини эсга солиб турарди.

“Турон” хайрия жамияти ва унинг ҳузуридаги “Турон” кутубхонаси ҳамда қироатхонаси, “Турон” газетаси, “Турон” драмтруппаси шу ердаги ёнма-ён ҳовли ва биноларда фаолият кўрсатган. “Турон” атамаси эса жадид мутафаккирлари учун Ватан тимсоли сифатида муқаддас бўлган.

Абдурауф Фитрат она Ватанига “Туркликнинг муқаддас ўчоғи, Турон!” деб мурожаат қилган. 1918 йил 12 майда ватанимизнинг биринчи олий ўқув юрти — Туркистон халқ дорилфунуни ҳам Туркистон жадидлари раҳнамоси Мунавварқори бошчилигида шу Эски Жўва мавзесидаги собиқ Викула Морозов дўкони (Абдулла Авлоний раҳбарлигида фаолият кўрсатган “Турон” драмтруппаси, шўро даврида эса Ёш томошабинлар театри бўлган) биносида тантанали равишда очилган эди.

Жадид публицист-ёзувчилар ва шоирлар Мирмулла, Мирмуҳсин ҳамда жамоат арбоби Мирмуслим Шермуҳамедов ва атоқли шоир, носир, таржимон, истиқлол фидойиси Машриқ Юнусов — Элбеккача мана шу мавзенинг Маҳсидўзлик маҳалласида яшаган, унинг ижоди шу ерда шаклланиб, камол топган. Эски Жўванинг ёнгинасида анча эътиборли Бекларбеги (шўролар даврида бузиб ташланган) ҳамда Чорсудаги машҳур Кўкалдош мадрасалари ҳамма вақт аксарияти жадидчилик ҳаракати таъсиридаги ёшлар билан гавжум бўлган. Маҳсидўзлик кўчаси рўпарасида эса Ғулом Ҳасан Орифжоновнинг жадид мутафаккирлари асарларини мунтазам нашр этиб турган “Ғуломия” хусусий матбаа-нашриёти, яна бир томонда эса Тошкентнинг ҳозир ҳам энг катта ва машҳур савдо расталаридан бири Эски Жўва бозори жойлашган эди.

Шуларни кўз олдингизга келтирсангиз, XX аср бошларида фаолият кўрсатган маърифатпарвар боболаримизнинг кутубхона учун жой танлашда нақадар ақл-заковат билан иш кўрганидан ҳайратга тушасиз. Шу ўринда айтиш керакки, мустақиллик йилларида Эски Жўва мавзесида жуда катта эътиборга лойиқ қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани боис, биз юқорида тилга олган масканлар бутунлай ўзгариб кетиб, унинг номи фақат бозордагина қолди, холос. Эндиликда сақланиб қолган, истиқлол фидойиларини эслатувчи биноларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва иложини топиб, мазкур мавзеда Жадидлар хиёбони ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Акбарбек Долимов шу тариқа миллатнинг истиқлол сари интилишига бош бўлган жадидчилик ҳаракати муҳитида вояга етди. У 1927-1929 йилларда кутубхоначилик курсида ўқиб, уни тугатгач, ўша ўзи меҳр қўйган “Турон” кутубхонасига ишга киради. 1932 йилдан эътиборан эса турмуш машаққатларига қарамай, Тошкент давлат педагогика институтининг кутубхоначилик факультетида ўқишни давом эттиради. Зеро, 1930 йиллардан бошлаб отаси ва амакилари бошида шўро ҳукуматининг таъқиб ва тазйиқлари кескин тус олган эди. Аммо Долимбекнинг ҳамма фарзандлари минг хил машаққат ва ўқишдан ҳайдалишлар ҳамда тикланишлар билан бўлса-да, бирин-кетин олий ўқув юртларини битириб, халқ, ватан хизматига киришади. Акбарбек ўша сиёсий ва иқтисодий оғир вақтдан бошлабоқ “Октябрь” *(большевиклар ҳукумати ўзбек халқининг қадимий ватани номи “Турон”ни жуда-жуда ёмон кўрар, бу номни йўқ қилиш учун курашар эди. Шунинг учун “Турон” кутубхонаси 1927-1992 йилларда — 65 йил давомида “Октябрь” номи билан аталган)* номидаги кутубхонада библиограф сифатидаги ишини давом эттиради ва тез орада шу кутубхонанинг раҳбари даражасига кўтарилади.

У бу ерда бир неча йил директор ва директор муовини сифатида ишлаб, октябрь тўнтаришигача бўлган даврдаги ва ундан кейинги вақтли матбуот нашрлари — “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор”, “Шуҳрат”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Турон”, “Халқ дорилфунуни”, “Самарқанд” каби газеталарнинг, “Ойина”, “Ал-ислоҳ”, “Ал-изоҳ”, “Ер юзи”, “Ўзгаришчи ёшлар”, “Маориф ва ўқитғувчи” (“Совет мактаби” журналининг дастлабки номи), “Янги йўл” (“Саодат” журналининг дастлабки номи) каби журналларнинг тўлиқ бойламларини шакллантиришга эришди.

Акбар Долимовнинг кутубхонани янада бойитиш, библиография фанини ривожлантириш соҳасидаги бундай хизматлари учун унга 1934 йилиёқ “Ўзбекистон меҳнат зарбдори” унвони берилган эди. Унда кутубхоначиликка, библиография ва манбашунослик илмига туғма қобилият яққол кўзга ташланиб турарди.

У Файзулла Убайдуллаев билан ҳамкорликда “Мукаммал илмий библиография” китобини яратди. 252 саҳифали ушбу асарда 1920-1934 йилларда ўзбек тилида нашр этилган уч мингга яқин китобнинг умумий тавсиф ва таснифи берилган. Ўзбек библиографияси соҳасида яратилган биринчи китоб бўлган бу асар 1934 йили Ўзбекистон давлат нашриётида босмадан чиқарилган. Шунингдек, Акбар Долимов ва Собир Солиҳов 1937 йили республика кутубхоначи ва библиографларига методик ёрдам сифатида “Унли классификация” асарини нашр эттиради. Ҳар иккала асарда ҳам биринчи муаллиф А.Долимов бўлган. Бу иккала асар бўлажак кутубхоначилар, библиографлар учун асосий қўлланма вазифасини бажарган.

**“У Файзулла Убайдуллаев билан ҳамкорликда “Мукаммал илмий библиография” китобини яратди. 252 саҳифали ушбу асарда 1920-1934 йилларда ўзбек тилида нашр этилган уч мингга яқин китобнинг умумий тавсиф ва таснифи берилган. Ўзбек библиографияси соҳасида яратилган биринчи китоб бўлган бу асар 1934 йили Ўзбекистон давлат нашриётида босмадан чиқарилган.”**



30-йилларда “Турон” кутубхонасида Акбар Долимов билан бирга атоқли библиограф, манбашунос олим Абдулла Носиров (Носихий) ҳам фаолият кўрсатган. 1972 йили Акбарбек Долимовнинг маъракаси куни ака-ука Нўъмонбек, Субутой, Зиёдбек ва Султонбек Долимовлар билан бўлган суҳбатда у бундай деган эди: “Акбар Долимов кутубхоначилик ишининг катта билимдони эди. “Турон” кутубхонасининг республика миқёсида эътибор қозонишида, улкан маърифат ўчоғига айланишида унинг ҳиссаси салмоқли бўлган. 30-йилларда “Ойина”, “Садои Фарғона”, “Туркистон” тахламларини тартибга солиш анча оғир бўлганига қарамай, у самарқандлик Ҳожи Муин Шукрулло, Абдуқодир Шакурий, қўқонлик Пўлатжон домла Қаюмий, Абдуваҳоб Ибодий, тошкентлик Абдулла Авлоний, Муҳибулқори Орифий билан алоқада бўлиб, уларнинг ёрдамида етишмаётган ва қаттиқ шикастланган сонларини топиб тўлдирди, баъзи манбаларнинг фото нусхасини яратди. Бу тахламлар ҳозир Алишер Навоий номидаги кутубхонада ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти кутубхонасида сақланмоқда. Акбар қамоққа олинганда навқирон йигит ёшида эди, аммо кутубхоначиликка оид бир неча асар ёзишга улгурганди. У жаҳон кутубхоначилик тарихи билан қизиқар ва “Турон”ни ҳам Ўзбекистоннинг энг бой кутубхоналаридан бирига айлантириш учун ҳаракат қилар эди. Қатағон деб аталмиш машъум воқеалар бўлмаганда, у, албатта, катта библиограф, манбашунос олим бўлиб етишиши мумкин эди. Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин”.



Акбарбек Долимов ва Файзулла Убайдуллаевнинг “Мукаммал илмий библиография” асари билан шўролар даврида биринчи бўлиб танишган ва ўрганган таниқли олим, филология фанлари номзоди Шерали Турдиев ўзбек адабиётшунослигига бағишланган библиографик асарида ундан кенг фойдаланади. Шу инсон 2002 йили “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ушбу сатрлар муаллифининг Акбарбек Долимов ҳақидаги “Сир сақланган жиноят” мақоласи эълон қилиниши муносабати билан гаплашиб қолганимизда қуйидагиларни айтган эди: “60-йилларнинг охирида Акбар Долимов ва Файзулла Убайдуллаевнинг 20-30-йиллар ўзбек адабиётига бағишланган “Мукаммал илмий библиография” номли ноёб асари қўлимга тушиб қолди. “Акбар Долимов ким, университетдаги биринчи устозим Субутой Долимовга қандай алоқаси бор?” деган саволлар билан домлага мурожаат этган ва ундан баъзи маълумотларни олган эдим. Улуғбек, сизнинг бу мақолангизни ўқиб, менда китобимнинг иккинчи нашрига Акбарбек Долимов ва унинг ушбу ноёб асари ҳақида янги боб қўшиш, шунингдек, А.Долимов ва Ф.Убайдуллаевнинг “Мукаммал илмий библиография” асарини қайта нашр этиш фикри уйғонди. Бу ўзбек тилида яратилган биринчи ва юқори илмий савияда ёзилган асар эканига тўла ишонч ҳосил қилдим”.

Афсуски, Шерали ака Турдиев бу хайрли ниятини амалга оширишга улгурмасдан ҳаётдан кўз юмди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан кескин тус олган оммавий қамашлар, қирғинлар халқ зиёлиларини қай аҳволга солгани тўғрисида кўплаб мақолалар, китоблар ёзилган. Зеро, маълумотларга қараганда, 1938 йилнинг ўрталарига келиб, миллий зиёли раҳбар ходимларнинг олтмиш фоизи қатағон қилинади. Бу зуғумнинг кейинги ўрами эса Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келган эди. Акбарбек Долимов ҳам худди мана шу ўрам — Иккинчи жаҳон урушининг бошларида қамоққа олинган.

Совет ҳукумати халқни “ҳушёрлик”ка чақириш баҳонасида яна шубҳа остига олинган кишиларни йўқ қила бошлаган худди мана шу даврда — 1941 йилнинг ноябрь ойида НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги) “Октябрь” кутубхонасининг бир йўла тўрт ходими — Акбар Долимов, Асад Убайдуллаев, Аҳад Турсунов ва кутубхона директори Раҳимжон Иброҳимовни қамоққа олади. “Катта савдогар бой оиласидан чиққан” А.Долимовни аксилинқилобий ташвиқотлар юритганликда айблаб, “Юлдуз” фабрикасига туташ “Москва” турмасининг аксарият ватанпарвар, миллатпарвар фидойиларнинг сўнгги кунларига гувоҳ бўлган ўлим камерасига ташлайдилар.

Дастлабки тергов 19 ноябрдан 26 ноябргача узлуксиз давом этган. Одатдагидек ҳуқуқий меъёрларга умуман амал қилинмасдан, тергов инсон руҳига кучли таъсир кўрсатувчи усуллардан кенг фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Терговнинг асосий усули қўрқитиш, хўрлаш, азоб бериш бўлган. Жумладан, агар тергов ходимлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортса, оила аъзоларига тазйиқ ўтказилишини айтиб ҳам қўрқитишган. Зеро, бундай терговлар фақат бир нарсага — қандай йўл билан бўлмасин, айбланувчининг аксилинқилобий фаолиятини тасдиқлашга қаратилган эди.

Акбарбек Долимов: “Мен ҳеч қандай аксилинқилобий фаолият юритган эмасман, менга ёпиштирилаётган айбларнинг бирортасини қабул қилмайман”, деб қатъий рад этади. Аммо адолатсиз тергов ўз билганидан қолмайди, зулм, ваҳшийликни давом эттираверади. Шўро ҳукумати қатағон йилларида ўзбеклар, хусусан, ёш ўзбек йигитлари орасида бўлиб турадиган, асрлардан бери давом этиб келаётган, “гап” номини олган дам олиш гурунгларига ҳам сиёсий тус берган эди. Шу боис, Акбар Долимовнинг 1941 йил 26 ноябрда тузилган айблов қарорида қуйидагиларни ўқиймиз: “Аксилинқилобий кайфиятда бўлган Акбар Долимов 1939 йилдан совет ҳукуматига қарши йиғин (гап)ларда қатнашган ва аксилшўровий руҳдаги гуруҳлар билан партия сиёсатини танқид қилган”.

Шундай айблов билан ушбу гуруҳ иши СССР Ички ишлар халқ комиссариятининг махсус кенгашига оширилган. Кенгаш Акбар Долимов ва Раҳимжон Иброҳимовни отувга ҳамда мол-мулкини мусодара қилишга, Аҳад Турсунов ва Асад Убайдуллаевни 10 йил озодликдан ҳамда 5 йил сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳукм чиқарган. Умуман, бу кенгашга юборилган иш ҳеч қачон ижобий натижа билан қайтган эмас.

Ҳа, бундай асоссиз ва ўта фожиавий ҳукмлар ўша давр шўро сиёсатида одат тусига айланган эди. Энг даҳшатлиси, ушбу тузум бу каби ваҳшийликлари билан ҳам чекланган эмас. Ҳукм чиқарилгач, афв этиш ҳақида ариза ёзмоқчи бўлган маҳкумдан, аввало, “ўз айбларига иқрорнома” ёздириб олиниб, шундан кейингина афв сўраб ариза ёзишга рухсат бериларди. Акбар Долимов қисмати ҳам шундай бўлди. Унинг шахсий ишидаги афв сўраб ёзган “иқрорнома”сида эса бундай сўзлар бор: “Менга белгиланган отув жазосини енгиллаштиришингизни илтимос қиламан, чунки менинг қарамоғимда қари ота-онам ва етти жон бор”. Аммо бундай илтижолар инобатга олинмаган.

Долимовлар оиласининг бошқа фарзандлари — укалари Зиёдбек ва Султонбек Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларида ватан учун, халқ учун жон олиб, жон бериб курашиб, ҳатто япон милитаризмига қарши жангларда ҳам фаол қатнашади. 1945 йил охирларида ғалаба билан оила қучоғига қайтади, аммо Акбарбек Долимов қатағон комида қолиб кетади. Шўролар қирғин-қатағони шунчалар даҳшатли эдики, унинг чангалидан омон қолиш тегирмондан бутун чиқиш билан баробар эди. Акбарбек қисматини аниқлаш учун ака-укаларнинг турли-туман идораларга елиб-югуришлари, ёзишмалари ҳам натижа бермади, ота-она фарзанд доғида ҳаётдан кўз юмди.

1972 йил июль ойи тунларининг бири. Соат бир-иккиларда дафъатан Нўъмонбек Долимов ҳовлиси эшиги тақиллайди. Эшикни ўғли Тўрабек ака очади. Бемаврид келган рус миллатига мансуб бу киши ўзини Давлат хавфсизлиги қўмитаси полковниги Казаков деб таништиради. Долимовларнинг катта авлоди бундай “ташрифлар”ни кўравериб, юрагини олдириб қўйган эди. Казаков қизи университетга кириш учун ҳужжат топширганини айтиб, бу ишда Нўъмон Долимовдан ёрдам сўрайди.

Долимов ҳам фурсатдан фойдаланиб, унга ёрдам беражагини айтади ва укаси Акбарбек Долимовнинг тақдири нима билан тугаганини ҳужжатлар асосида билиб беришни илтимос қилади. Орадан 20 кунлар ўтгач, полковник ваъдасига мувофиқ, Нўъмонбек Долимовга Акбар Долимовнинг 1942 йилнинг 26 августида “халқ душмани” сифатида отиб ташлангани, 1956 йилнинг 14 июнида унинг иши қайта кўриб чиқилиб, оқлангани ҳақидаги ҳужжатларни топширади.

Эътибор беринг, Акбар Долимовнинг отиб ташланганига 30 йил бўлган-у, аммо буни халқдан сир сақлашган, ҳатто оила аъзоларига билдиришни ҳам лозим ҳисоблашмаган. Ҳеч бўлмаса, унинг оқлангани ҳақидаги маълумотни ҳам билдиришмаган. Зеро, 1945 йили уруш тугагач, қаҳрамон она Марзия Қозоқбоева (14 фарзанднинг онаси) вафотига саноқли ойлар қолганда ўғли Акбарбекнинг тақдирини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлигига сўнгги бор хат билан мурожаат қилган. НКВД эса бу хатга: “Ўғлингиз Красноярск ўлкасига сургун қилинган, сургун муддати тугаган эмас” деган жавоб юборган.

Тошкентда 1942 йилдаёқ отиб ўлдирилган одам ҳақидаги жавобни қаранг! Уларнинг шундай муносабати туфайли бечора онаизор ўғлини кута-кута адойи тамом бўлди, отаси Долимбек Норбеков 1958 йилда вафот этиб кетди. Инсон тақдирига, бутун бир оила қисматига шунчалар эътиборсизлик, беписандлик бўладими?! Атоқли ёзувчи Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романини эсланг. Бу ҳақиқий маънода геноцид эди. Шу тариқа шўроларнинг адолатсиз сиёсати домига тушган Акбарбек Долимов оиласи ҳам бутунлай барбод бўлди, ундан ҳеч ким қолмади. Шифокор Фотима аммамнинг айтишича, Акбарбекнинг 3 ёшли катта ўғли Тўхтабек отасига ичикиб, соғиниб уч ойда ва Чингизбек исмли иккинчи ўғли эса йигит ёшида вафот этган. Рафиқаси Тожинисо ая фарзандлари доғида куя-куя ўлиб кетади.

Акбарбекнинг ака-укалари, опа-сингиллари полковник тақдим қилган ҳужжатларни ўз кўзлари билан кўргачгина унга аза очади, юртга маърака оши бериб, унинг руҳига Қуръон бахшида этди. Хуллас, бу ҳам қизил салтанатнинг Долимовлар оиласи бошига ёғдирган фожиаларидан эди.

Табиийки, бу гапларни, қисматларни шўролар замонида айтиб ҳам, ёзиб ҳам бўлмас эди. Шунинг ўзиёқ мустақилликнинг бизга нима берганини англатмайдими? Ахир инсон қадридан юксакроқ нима бор бу дунёда?! Шу юртнинг озодлиги, шу элнинг бахт-саодати йўлида қирғин-қатағонга учраганлар руҳини ёд этар эканмиз, бугунги кунларга — мустамлака зулмидан абадий озод бўлганимизга шукроналар айтамиз.

“Турон” кутубхонаси қайта ташкил этилар экан, жадид мутафаккирларининг тарқоқ ҳолдаги, одамлар қўлидаги, ҳатто чет элларга тарқалиб кетган асарларидан нусхалар олиш — жадидшунослик марказини вужудга келтириш керак. Ўсиб келаётган янги авлод онгига, шуурига жадид боболаримизнинг ватан, миллат, мустақиллик учун ҳатто азиз жонларини ҳам нисор этганини сингдириш, уларнинг буюк ишларига содиқ бўлиш руҳида тарбиялаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.



**Китобхонликни ривожлантиришда, аввало, оналарни мутолаага жалб қилишга жиддий ёндашишимиз керак. Зеро, ҳадеб бугунги авлоднинг китоб ўқимай қўйганидан нолийвериш билан китобхонлик маданиятини шакллантириб бўлмайди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## Китобхонлик маданияти

# ТАРБИЯНИНГ ЭНГ АВВАЛИ ВА АФЗАЛИ

## МУТОЛААГА муҳаббат УЙҒОТИШдир



**“Биласанми, Америка нима учун ривожланган? Негаки қайси хонадонга кирмагин, у қурувчими, ёзувчими, ижодкорми — жавони тўла китоб. Чунки улар ўқийди. Уларнинг фикрлаши кучли. Улар учун энг муҳими билим олиш, ўз касбини эгаллаш. Бизда-чи, муҳими — бирдан катта пул топиш. Уй, машина сотиб олса бўлди. Аёлларга-чи, аёлларга қўша-қўша бриллиант зираклар, бўйнига осиб олган тақинчоқлар ёки қиммат пардалар, мебель. Ҳаётни шунчаки тор доирада тасаввур қилишади. Бу, менимча, келажак учун жудаям ачинарли ҳолат. Одамлар ўқимай, илм олишни истамай қўйди. Онгли ҳаётни хоҳлашмаяпти. Бу кетишда нима бўлади, ҳайронман. Бундай яшаб бўлмаслигини, бундай яшаш тарзи фожиага етаклашини биласанми-а?**

— Тўғри айтасиз. Гапингизда жон бор. Афсуски, ҳозирги ёшларга китоб қизиқ бўлмай қолди. Уларга ҳозир фақат интернет, қўлидаги телефон ва ҳоказолар бўлса бас. Билмадим, балки замоннинг талабидир.

— Бу кетишда қаерга борамиз, қаерга?”.

Миллий сериалларимиздан бирида тасодифан эшитиб қолганим шу суҳбатдан сўнг вақт топиб “енгил-елпи” эмасдек туюлган бу сериалнинг 3-4 та қисмини кўрдим. Бош қаҳрамоннинг отаси — ўқитувчи ҳомиладор аёлига ҳар куни “Эшитинг, бу пайтда мутолаа жуда муҳим ўрин тутади”, деб китоб ўқиб берар экан. Аёли ҳам ўқилаётган ҳар бир ҳикматнинг мағзини чақишга ҳаракат қилади. Вақт ўтиб, туғилган бола — бош қаҳрамон ҳам китобхон бўлиб, ўйинқароқ дўстларининг “Бу тезроқ уйига бориб китоб ўқиши керак, ўқитувчининг боласи-ку”, деган доимий пичингларига кўникиб кетади.

Англаганим шуки, китобхонликни ривожлантиришда, аввало, оналарни мутолаага жалб қилишга жиддий ёндашишимиз керак. Зеро, ҳадеб бугунги авлоднинг китоб ўқимай қўйганидан нолийвериш билан китобхонлик маданиятини шакллантириб бўлмайди. Ёппасига бунга эришиш ҳам жуда қийин масала. Кейинги пайтларда қизларнинг сепига китоб ҳам солиб бериш керак, деган гаплар бежиз қулоққа чалиниб қолмаяпти. Аксарият фазилат ва хислатларнинг фарзандга она вужудидан ўтиши ҳақиқат экан, китобга муҳаббатни ҳам она қорнидаёқ уйғотишга улгуришимиз зарур. Ибн Синодек аллома ҳам фарзандни она қорнидан бошлаб



тарбия қилиш кераклигини таъкидлаган-ку, ахир. Тарбиянинг энг аввали ва афзали эса — мутолаа тарбияси.

Шу ўринда ўтган йили газетамизда ёритганимиз — Хоразмда бошланган янги бир анъанани яна бир бор эсга олишни жоиз билдик. Мақолада Республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Бекзод Абдиримов вилоятда хонадонларни янги китоб жавонлари билан бойитиш учун танловлар ғолибларига китоб тўлдирилган ихчам жавонлар совға қилинаётганини айтганди. Шунингдек, маҳаллалардаги кайвонилар билан янги турмуш қураётган ёшларга ота-оналари, яқинлари томонидан тўёна сифатида шундай мўъжаз жавонлар совға қилишга келишиб олингани, уларнинг ўзлари ушбу хайрли ташаббусни бошлаб берганидан биз ҳам хурсанд бўлгандик.



**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бекзод аканинг: *“Ахир фарзандларимизга тўй қилсак, бир лаҳзалик автокарвонига 10-20 миллион, “Love story”сига 5-10 миллион сўм, яна қандайдир амалларга маблағимизни аямаймиз-у, уларнинг маърифати, зеҳни учун икки миллионни қиммат кўрмасак керак? Хоразмликлар илгари сурган бу ибратли ташаббус бугун урфга кириб, эртага замонавий урф-одатга айланса, нур устига нур бўлар эди. Қимматбаҳо мебеллар, тилла тақинчоқлар, ўткинчи ҳою ҳавасга берилмай, китоб тўла жавонлар совға қилишни бошлашимиз, ўрнак бўлишимиз керак! Шундагина бу ташаббус умуммиллий ҳаракатга айланади. Яқин 3-4 йил ичида нафақат Хоразмдаги, балки бутун Ўзбекистондаги барча хонадонлар китоб жавонига эга бўлади. Чақалоқлар китоблар таратаётган маърифат ҳидидан нафас олиб улғаяди”*, деган гаплари кимларнингдир ғашига тегиши мумкин. Бироқ вақт ўтиб, бу гаплар исботини топганида, яъни китоб ўз қудратини кўрсатганида, бундай кимсаларнинг ўзлари уялиб қолади.

Аслида, бугун китоб ўқиймиз десак, барча шароит етарли. Сотиб олишга маблағимиз бўлмаган тақдирда эса бошқа имкониятлар мавжуд. Чекка қишлоқларда ҳам хонадонларга интернет етиб боряпти. Айни пайтда қўли ишда-ю, қулоқчин билан аудиоасар тинглаётганлар сафи ортиб бораётгани қувонарли. Шаҳар, туман марказларида, пойтахтда яшовчи китобхонларга эса замонавий кутубхоналар хизмат қиляпти. Бугун чинакам китобхон ёшлар ҳали ўрта мактабни тамомламай туриб, ота-онасини автомашинали қилишга қодир бир даврда яшаяпмиз.

Яқинда Президентимиз Янги Тошкент шаҳридаги иншоотлар қурилишига старт берар экан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги биноси тақдимоти билан ҳам танишди. Умумий майдони 30 минг метр квадратни ташкил қиладиган янги мажмуада айни пайтда кутубхона фондида сақланаётган 10 миллиондан ортиқ адабиётни муносиб сақлаш ва бир пайтнинг ўзида 1420 китобхонга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилади. Бундай эътибордан руҳланган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева биз билан суҳбатда қуйидагиларни алоҳида таъкидлади:



— Миллий кутубхонага раҳбарлик қилиш ортидан жуда катта тарихий учрашувда қатнашганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Янги Тошкент шаҳрида бунёд бўлажак бешта катта маърифат масканлари орасида Миллий кутубхонанинг ҳам қад ростлаши бизга чексиз ғурур бағишлади. Ваҳоланки, кутубхонанинг ҳозирги биносида китобхонларга жой етмаётганига кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Кўплаб раҳбарлар бу ҳолатни ўз кўзлари билан кўриб, қувонаётгани ҳам бор гап. Бу охирги йилларда кутубхоначилик соҳасига берилаётган юксак эътибор натижаси. Янги Тошкентдаги тўрт қаватли муҳташам кутубхона энг янги технологиялар билан жиҳозланиш ҳисобига бир пайтнинг ўзида бир ярим миллион китобхонга хизмат қила олади. Турклар билан ҳамкорликда тайёрланган, китобхонларнинг барча талаб ва эҳтиёжлари инобатга олинган лойиҳамиз Президентимиз томонидан илиқ қабул қилинганидан бениҳоя хурсанд бўлдик. Кутубхонамизда китобхонга хизмат кўрсатиш ҳам жаҳон даражасида бўлади. Миллий кутубхона маънавиятимизнинг энг ишончли қўрғони, кўзгуси бўлишига, маънавиятимизни кенг тарғиб қилишига бор салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

Ҳа, бугун юртимизда китобхонларнинг қадри баланд, китоб ўқиётганлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Яқин келажакда қарийб икки баробар кенгайтирилаётган Миллий кутубхонамиз қатори жойлардаги барча зиё масканлари ҳам китобхонлар билан лиқ тўлади. Умид қиламизки, одамлар яна китобларнинг шивирини эшитишни, кутубхоналарнинг ўзгача файзини кўришни истайди, унинг чинакам нурхона эканини ҳис қила бошлайди.

## Таҳлил минбари

# БИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК?



**Жонибек АЛИЖОНОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Дунёни қайта қуришга мажбур қилган омил — Иккинчи жаҳон урушидан кейин деярли барча миллатлар ўзига ўзи суянибгина хос йўлни топиши мумкинлигини англаб етди. Йўлини топа олмаганлар эса бошқаларнинг измида қолиб кетмоққа мажбур эди. Лекин бу жараён қандай кечди? Эндигина бошланиб келаётган технологик давр, ўзаро нифоқларда курашувнинг янги унсурлари, бу курашларга илм-фаннинг бутунлай жалб этилиши ҳамда пинҳоналик шароитида миллат сифатида қандай яшаб қолиш мумкин эди? Шубҳасиз, натижага эскича қарашлар ҳамда қолоқ маънавият билан эришиб бўлмасди. Бунинг учун миллатлар ўз дунёқарашини янгидан ривожлантирмоғи, қисқача айтганда, замонавийлашмоғи ягона чора эди.**

Айнан шу “англаш” сўнгги юз йилликда “ухлаётган” кўҳна Шарқнинг ҳам қатор давлатларини уйғотиб юборди. “Япон мўъжизаси”, “Корейс мўъжизаси” ҳамда Сингапур тараққиёт модели кабилар юзага келди. Бу “мўъжизалар” ортида эса шубҳасиз мазкур миллатларнинг бутунлай замонавий фикрлаш тарзига ўтгани, ўз-ўзини ислоҳ этгани ётарди.

Хўш, биз қандай яшашимиз керак? Советларнинг анъанавий мафкурасидан қутулганига ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, халқимиз, тан олиш керак, бугун ҳам замонавийлашиш йўлида ҳамон оқсаётир. Ҳануз дабдаба, бидъат ҳамда маишийчилик тиканларидан йўлимизни бутунлай тозалай олмаяпмиз. Дунёга тенгма-тенг бўйлашмоқ илмини билсак-да, амалида иккиланяпмиз. Нафс амрига қарам, еб-ичишдан ортмаётган, тафаккур чироғини ёқмоққа уриниб ҳам кўрмайдиганларимиз топилади, майда-чуйда орзулардан ортмаймиз. Ҳануз олис-олис сайёраларга манба сифатида эмас, мўъжиза сифатида қарашда давом этаверамиз. Ҳамон замон двигатели бўлган таълимга, унинг ривожига бирваракай жон койитмаймиз.

Хўш, ўзи бугунги дунёда қандай яшамоқ керак?

### ВАТАНПАРВАРЛИК

Бирлашган халқнинг энг биринчи хислати ватанпарварлик бўлмас экан, ҳар қандай ақл мўъжизаси ватан манфаати учун хизмат қилмас экан, унинг ортида яширин кучларнинг пинҳона манфаатдорлиги пайт пойлаб ётаверади. Дунёнинг бугунги геосиёсий аҳволи шундай. Бундай вазиятда ҳар қайси мамлакатнинг дўсти фақатгина ўзининг аҳолисидир. Жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ўз фарзандларидан кўра хайрихоҳроқ дўст йўқ. Бу эса ҳар бир юртдошимиздан юксак ватанпарварликни талаб қилади. Нимаики касб билан шуғулланмасин, қаерда бўлмасин, ватан ўз фарзандларидан муҳаббат кутади, ҳар бир инсон ҳам доимо ватанга эҳтиёж сезади.

Бир ёзувчи деган эди: “Ватанпарварлик туйғусини нимагадир ўхшатиш мумкин бўлса, мен уни классик услубдаги либосга ўхшатган бўлардим. Қанчадан-қанча янги модалар яратилмасин, биз уни барибир кияверамиз, у барибир бизга ярашаверади”.

### ИЛМ-МАЪРИФАТЛИЛИК

Агар XXI асрнинг асосий кучи ҳануз қурол-аслаҳаю даҳшатли бомбаларда деб ҳисобласак, замонни тушунишда бир оз ортда қолибмиз. Чунки бугун моҳият ҳам, тараққиёт ҳам моддиятдан кўра маънавий оламга кўпроқ боғлиқ. Ҳозирги даврда бир давлатдан иккинчисига қуролдан кўра, қоғоз-қалам кўтариб бориш анчайин хавфлироқ. Сабаби, асрлар давомида қуролли одамдан дўст чиқмаслиги онгу шууримизга сингиб кетган, аммо қалам кўтариб келиб, бутун минтақаларнинг табиати, маданияти, эътиқоди, иқтисодиёти ҳамда талаб ва таклифларини ўрганаётган, шу илмларга таяниб, улар устидан пинҳон тажрибалар ўтказаётган сиёсий гуруҳлар хавфидан ҳамма ҳам бирдек огоҳ эмас. Илм кучига эса илм билан қарши турмоқ мумкин. Зеро, юртимиздаги ер ости, ер усти бойликларининг ҳаммасини ўрганмоққа, ўзлаштирмоққа ўзимизнинг салоҳиятимиз етмас экан, бу масалаларда бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлишда давом этаверамиз. Истагим — жаҳон тажрибасида аллақачон муомалада бўлган “илм-фан иммунитети” бизда ҳам тўлиқ шаклланса... Зеро, ота-боболаримиздан қолган гўзал ҳикмат ҳам бор: “Иссиқ-совуғинг ўзинг билан бўлсин”.

### ЗИЙРАКЛИК

Янги асрда дунё бир-биридан мақсад жиҳатидан шунчалар узоқлашиб кетдики, буни оддийгина микроскоп назари билан аниқлашнинг имкони йўқ. Бугун фақатгина бир нарса аниқ-равшан: ҳар қандай ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг туб замирида манфаат ётибди. Бироқ бундай ўйинларнинг охирида ким ғолиб, ким мағлублигини билишнинг ягона чораси ўта зийракликдир. Зийракликнинг устози эса ўтмиш тажрибаси. Шу ўринда замонавий дунёда тарихимизни яхши ўрганмоқ нечоғлик аҳамиятли экани аёнлашади. Баъзан йиллаб ечими топилмаган жумбоқлар, ошкор бўлмаган қиёфалар биргина тарихий тажриба орқали фош этилиши мумкин. Ўтмишида биз каби кўп қанд еган ҳам, панд еган ҳам миллат оз бўлса керак.

Демак, тарихни яхши билиш, ундан зарур хулосалар чиқариш ҳамда ҳар қандай ташқи жараёнларни зийраклик билан таҳлил қилиш замонавий халқнинг асосий сифатларидан бири бўлмоғи шарт.

### ТОМОНИ АНИҚ

Дунёнинг манфаат нуқтаи назаридан бўлиниши томонларни танлаш заруратини пайдо қилади. Бугун ҳамма нарсада бўлиниш кечмоқда, фақат сиёсий эмас, маданий, ижтимоий, ҳатто умумбашарий тушунчалар ҳам тарафкашлик касб этаётир. Шундай вазиятда ҳар бир инсоннинг, ҳар бир миллатнинг аниқ томони бўлиши ниҳоятда зарур. Минг афсуски, ўзбек бўла туриб, шу тупроқда униб-ўсиб, бутунлай бошқа томонларга “тош босаётган” юртдошларимиз ҳали ҳам орамизда бор. Аммо улар бунинг миллат тақдири учун қанчалар салбий эканини англармикан? Ахир биз ўзбек бўла туриб, Ўзбекистонни дунёнинг барча мамлакатидан устун қўймасак, тарихий қувватимизнинг суяги совимайдими? Тўғри хулоса шуки, замонавий халқимизнинг томони битта — Ўзбекистон давлати бўлиши лозим.

### ЖАМИЯТГА ФОЙДАЛИ

Эскидан қолган бир гап бор: “Фойданг тегмаса, ҳеч бўлмаса зараринг ҳам тегмасин”. Бироқ бугун бу мақолдаги “фойданг тегмаса...” мазмунидаги талабни ҳақиқат ҳисоблаш қанчалик тўғри? XXI аср — демократия асри. Бунда ҳар бир фуқаронинг ўз позицияси, муайян вазифаси бор. Ҳар ким ана шу позициядан туриб, жамиятга, мамлакатга фойда келтирмоғи эса замоннинг ҳақли талаби. Зеро, бу иммунитет янада мустаҳкамланмас экан, боқимандалик иллати тобора болалайди. Боқимандаликдан юқумлироқ иллат йўқ. Бундай аянчли, боққанга бош эгувчи жамият жамият дейишга арзимайди. Шундай экан, жамиятга наф келтириш ҳам замонавий халқимизнинг муҳим сифатларидан бири бўлиши лозим.

Замон шиддат билан ривожланар экан, яшаш талаблари ҳам такомиллашиб бориши табиий ҳол. Замон кишиси эса бу ўзгаришларни ҳамнафаслик руҳида, энг аввало, ўзидан бошламоғи даркор. Ана шундагина у “юқумли”, нафли бўлгай.

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1372.
44595 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 20:43 Топширилди — 23:10